

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017. Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВА ДИЛАФРУЗ РУСТАМБОВНА

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ
УСЛУБИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Тураева Дилафруз Рустамбоевна

Касб-хунар коллежи ўқитувчилари фаолияти услубининг психологик хусусиятлари 3

Тураева Дилафруз Рустамбоевна

Психологические особенности стиля деятельности педагогов профессиональных колледжей 21

Тураева Дилафруз Рустамбоевна

Psychological features of the styles of activity of teachers of professional colleges 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017. Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВА ДИЛАФРУЗ РУСТАМБОЕВНА

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ
УСЛУБИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Psi22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-falsafa@nuu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Бахриддин Менгбоевич
психология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустам Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Арзикулов Дилшод Неъматович
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017. Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, «В» қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 201 ____ йил « ____ » _____ кун тарқатилди.
(20 даги ____ йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ғ.Б.Шоумаров,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

А.И.Расулов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С.Сафаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳондаги ҳар бир мамлакатда юксак ахборот технологиялар бўйича билимга эга бўлган мукамал, рақобатбардош кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги тараққиётининг 16 % - моддий-техника базага, 20 % - ресурсларга, 64 % - инсон омилига боғлиқ эканлиги эътироф этилган¹. ЮНЕСКО томонидан тавсия қилинган “Ўқитувчилар тўғрисидаги” низомнинг 4-қисмига биноан, таълим тараққиёти ўқитувчилар малакаси ва маҳоратига, ҳар бир ўқитувчининг педагогик, шахсий ва касбий сифатларига боғлиқ². Бу ўқитувчи фаолиятини, педагог билан ўқувчилар ўзаро муносабатларини ўрганишнинг муҳимлигини ифодалайди.

Жаҳон миқёсида ижтимоий-педагогик психология соҳасидаги тадқиқотларда таълим-тарбия тизимига комплекс ёндашув, таълим-тарбия назариясининг асосий томонлари, таълим жараёни табиати, таълим жараёни компонентларининг таҳлили қандай бирликлар асосида амалга оширилиши, ўқитувчи шахси, касбий маҳорати, қобилиятлари, ўқитувчининг бошқариш услублари, ўқитувчи – ўқувчи ўзаро муносабатлари бўйича тадқиқолар олиб борилган.

Уларда касб-хунар коллежлари “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқитувчи фаолияти услубининг ижтимоий-психологик хусусиятлари алоҳида махсус тадқиқот муаммолари сифатида ўрганилмаганлиги сабабли ўқитувчи фаолияти услуби, ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабати, уларнинг бир-бири тўғрисидаги тасавурларини ўрганиш ижтимоий психологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга доир вазифаларни ҳал этиш, таълим сифатини ҳамда самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи – ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларида кўрсатилган вазифаларида ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган³. Бу ўз навбатида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларини, ўқитувчининг фаолият услубини замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш, шахслараро муносабатлар психологияси ва ҳамкорлик психологияси муаммоларини ўрганиш ва такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини амалга

¹ <http://www.iqtisodiyot.uz/>

²Рекомендации МОТ И ЮНЕСКО “О положении учителей”- unesdoc.unesco.org/images/0016/001604/160495

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодийёт университети. – Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. – Б.206.

оширишга йўналтирмоқда.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПФ-2829-сонли “Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁴ ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга и муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқитувчи фаолияти муаммосининг ижтимоий-психологик ва педагогик моҳиятини жаҳоннинг етакчи психологларидан К. Левин, Р. Липпит ва Р. Уайт (1939), Н.Ф. Маслова (1973), Я. Стреляу (1974), А.Л. Журавлёв ва В.Ф. Рубахин (1976), Р.Х. Шакуров (1982), Г.А. Андреева (1987), А.А. Андреев (1984), С.И. Кондратьева (1984), А.И. Щербakov ва А.В. Мудрик (1979), Г.Н. Мальковская (2005) ўз тадқиқотларида бошқарув услубини; В.А. Кан-Калик (1990), Н.А. Березовин (1992), А.А. Реан ва Я.Э. Коломинский (1999), муносабат услубини; А.А. Коротаев ва Т.С. Томбовцева (1990), А.А. Бодалев (1983), Ю.Н. Азаров (2004), В.С. Мерлин (2006) педагогик мулоқот услубини, шунингдек, тарбиячининг ўзини тутиш услубини; И. Кхол, А.А. Карпенко (1985), Е.П. Ильин (2004) дарс бариш услубини; Л.Д. Столяренко (2006), Н.В. Кузмина, Л.И. Митина (2005) шахсий педагогик фаолият, педагогик мулоқот ва ўқитувчи шахсини; А.К. Маркова ва А.Я. Никонова (1987) ўқитувчи фаолияти индивидуал услубини; Д.Б. Эльконин (1974), Л.С. Выготский (1982) таълим жараёни, унинг психологик компонентлари, психологик хусусиятлари каби жиҳатларини тадқиқ қилганлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, унга олимлардан М.Г. Давлетшин (1999), Э.Ғ. Ғозиев (1997, 2002), Р.З. Гайнутдинов (1995), В.М. Каримова (1998), З.Т. Нишонова (2002), А.Ғ. Рахмонов (2001), Э.З. Усмонова (2000), Ш.А. Эшметов (2005), А. Жабборов (1999), Т.М. Адизова (1986), Расулов А.И. (2001) ва уларнинг шогирдлари педагог кадрлар тайёрлаш муаммосига етарли даражада эътибор қаратганлар. Уларнинг изланишларида ўқитувчи кадрларини тайёрлаш⁵, ўқитувчининг шахсий хусусиятлари, қобиляти⁶,

⁴ Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2010, 17-бет.

⁵ Гайнутдинов Р.З. Ўқитувчига тарбия психологияси ҳақида. - Т.: 1995.-20 б.

⁶ Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -30 б.

ўқитувчи ва талаба биргаликдаги ҳамкор фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва динамикаси⁷, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчиларни ташхис қилиш қобилияти⁸ устоз-шогирд муносабатлари⁹ ва бошқа жиҳатлар ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126 “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” (2017-2021йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси фаолияти услубининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш ва фаолият услубини такомиллаштириш бўйича ижтимоий-психологик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқитувчи фаолияти услубини ижтимоий-психологик нуқтаи назардан илмий-амалий муаммо сифатида асослаш;

ўқитувчининг фаолият ва бошқарув услубларини ўз-ўзини ва эксперт баҳолари орқали ҳозирги кундаги ҳолатини аниқлаш ва натижаларни жинс ва иш стажи бўйича таққослаш;

ўқитувчининг дарс жараёнидаги мулоқот услубларини хронометрик кузатиш орқали аниқлаш;

касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг шахсий хусусиятларини ўрганиш ва натижаларни жинс ва иш стажи бўйича таққослаш;

ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир-бири тўғрисидаги ассоциатив тасавурларини Кластер услубида ўрганиш;

ўқитувчининг фаолияти, бошқарув услуби ва шахсий хусусиятлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлигини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент темир йўл транспорти коллежи, Шайхонтоҳур саноат коллежи, Яшнобод темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи, Гулистон тиббиёт коллежи, Хоразм вилоятидаги Янгибозор саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари (жами 79 нафар) ва ўқувчилари (жами 426 нафар), шунингдек, 12 нафар ходим эксперт сифатида (жами 517 нафар) жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини касб-ҳунар коллежи “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқитувчи фаолияти услуби, шунингдек, унинг шахсий хусусиятлари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот даражалари

⁷ Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма. - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. “ЎАЖБНТ» маркази, 2002.-205 б

⁸ Расулов А.И. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабат даражалари. Психол. фанл. номзод... дис. – Тошкент, 2001.- 177 б.

⁹Эшметов Ш.А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари. Психол. фан номз... дис., Тошкент: М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. 2005. -147 б.

ҳамда бир-бирлари тўғрисидаги ассоциатив тасаввурлари ташкил қилади

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда “Ўқитувчи фаолияти услубини ўрганиш” методикаси (К. Маркова ва А.Я. Никонова), “Ўз-ўзини бошқарув услубини баҳолаш” методикаси (А.В.Батаршев), “Мулоқот таҳлилининг Фландерс тизими” бўйича ўқитувчи мулоқот услубини кузатиш, 16 факторли Р.Кэттелл тести (С шакли), “Ўқитувчингиз билан қай даражада суҳбатлашиб турасиз?” саволномаси (Ғозиев Э.Ғ, Расулов А.И.), Кластер – ассоциатив тасаввурлар услубидан, тадқиқотдан олинган эмпирик маълумотларнинг валидлиги ва ишончилигини аниқлашда математик статистика методларидан (фоизли таҳлил, Пирсоннинг корреляция коэффициенти, Стъюдентнинг t-мезони факторли таҳлили) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касб-ҳунар коллежи “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқувчилар демократик услубдаги ўқитувчиларни ижобий баҳолашса-да, авторитар услубдаги педагоглар билан ҳам ижтимоий муносабатлар бўйича мулоқот даражаси юқорилиги аниқланган;

касб-ҳунар коллежи “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқитувчиси билан ўқувчилари ўртасидаги “мажбурий”, “зарурий”, “расмий”, “расмий-салбий”, “расмий-ижобий”, “ишончли”, “дилдан ишониш” муносабат даражалари аниқланган;

касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг фаолият услубларига кўра коммуникативлик фаолият услубига (мулоқотмандлик, кўнгилчанлик), ташкилий-бошқарув фаолият услубига (мустақиллик, ишбилармонлик, лидерлик, ҳукмронлик), эмоционал-мотивацион фаолият услубига (ҳиссий турғунлик, хавотирланувчанлик), ўқув-услубий фаолиятига (ижодий ёндашувчанлик, мустақиллик) хос шахслик хусусиятлари аниқланган;

касб-ҳунар коллежи педагогларининг ўқувчилари билан муносабатида намоён бўлувчи самарали, хавотирланувчан (ташвишли), мослашувчан, доминант, ҳиссий – турғун, ижтимоий, масофа сақловчи, ҳукмрон фаолият услублари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқитувчи фаолияти услуби, унинг шахсий хусусиятлари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот даражалари ҳамда бир-бирлари тўғрисидаги ассоциатив тасаввурларини ташхис қилишда қўлланилиши мумкин бўлган услубий воситалар амалиётда фойдаланиш учун тақдим этилган;

ўқитувчи фаолияти услубини кенг қамровли ўрганишга мўлжалланган психодиагностик баҳолаш комплекси ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган ҳамда олий таълим муассасалари психология, педагогика ва психология факультетларида, бўлғуси педагогларни ўқитишда услубий қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашда, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда фойдаланиш учун тақлиф этилган;

тадқиқот иши натижаларидан касб-ҳунар коллежлари учун амалий

психологлар тайёрлаш жараёнида, “Ижтимоий психология”, “Бошқарув психологияси”, “Мулоқот психологияси” махсус курслар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот методологик базасининг мукамаллиги, адекват тадқиқот методикаларнинг қўлланилганлиги, ишончли ва самарадор замонавий математик-статистика усулларида фойдаланилганлиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил, талқин этилганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, олинган натижалар йирик илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилингани билан таъминланди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касб-хунар коллежи “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқитувчи фаолияти услубларининг унинг бошқарув услубларига, ўқитувчи шахс хусусиятларига боғлиқлиги ёритилганлиги, ўқитувчилар шахс хусусиятларининг муайян мажмуаси фаолият услубини такомиллаштириш учун асос бўлиши аниқланганлиги, ўқувчилар демократик услубдаги ўқитувчилардан кўра авторитар услубдаги ўқитувчини маъқул кўришлари ҳамда касб-хунар коллежи ўқитувчиси фаолиятининг 8 та янги услуби яратилганлиги, уларнинг шахс ижтимоий-психологик хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги тавсиялардан бўлғуси ўқитувчиларнинг махсус ва мустақил таълим жараёнида ўқитувчи фаолияти услуби тўғрисидаги билимини, тасавурини бойитишда, натижалар ва синов тажрибаларда ишлатилган методларни психологлар учун амалий иш дастури сифатида, турли босқичдаги таълим муассасаларида методик ишларни ташкил қилишда, касб-хунар коллежлари учун ўқитувчиларни ишга жалб этишда, шунингдек психология таълим йўналишида ижтимоий психология, бошқарув психологияси, педагогик психология, мулоқот психологияси курслари бўйича ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Касб-хунар коллежи ўқитувчилари фаолияти услубининг психологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўқитувчиларни ижобий баҳолашса-да, авторитар услубдаги педагоглар билан ҳам ижтимоий муносабатлар бўйича мулоқот даражаси юқорилиги аниқланган натижалар касб-хунар коллежлари ўқитувчилари фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 18-апрелдаги МХ-01/21-5321м-сон маълумотномаси). Натижада педагогларнинг бошқарув услубларини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлигини

таъминлашга, уларнинг касбий-психологик тайёргарлигини оширишга хизмат қилган;

касб-хунар коллежи “ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқитувчиси билан ўқувчилари ўртасидаги “мажбурий”, “зарурий”, “расмий”, “расмий-салбий”, “расмий-ижобий”, “ишончли”, “дилдан ишониш” муносабат даражалари натижалар касб-хунар коллежлари таълим-тарбия фаолиятига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 18-апрелдаги МХ-01/21-5321м-сон маълумотномаси). Натижада педагогларнинг фаолияти услубини янгидан шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлаш бўйича янги имкониятлар яратилган, шунингдек, педагогларнинг таълим-тарбия жараёнида самарали натижаларга эришиш имкониятлари кенгайтириш таъминланган;

касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг фаолият услубларига кўра коммуникативлик фаолият услубига (мулоқотмандлик, кўнгилчанлик), ташкилий-бошқарув фаолият услубига (мустақиллик, ишбилармонлик, лидерлик, ҳукмронлик), эмоционал-мотивацион фаолият услубига (ҳиссий турғунлик, хавотирланувчанлик), ўқув-услубий фаолиятига (ижодий ёндашувчанлик, мустақиллик) хос шахслилик хусусиятлари бўйича олинган натижалардан Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий маркази тингловчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда фойдаланилган (Психология ўқув-илмий маркази 2018 йил 17 октябрдаги 02-07-3985/04-сон маълумотномаси). Натижада ўрта махсус таълими тизими ўқитувчилари ва амалиётчи психологлари фаолиятининг илмий-методик таъминоти кучайтирилган;

касб-хунар коллежи педагогларининг касбий фаолиятида намоён бўлувчи қуйидаги янги фаолият услублари: самарали, хавотирланувчан (ташвишли), мослашувчан, доминант, ҳиссий – турғун, ижтимоий, масофа сақловчи, ҳукмрон фаолият услублари аниқланган амалий психологлар фаолиятига жорий қилинган ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази мутахассислари томонидан муҳокама қилинган (Психология ўқув-илмий маркази 2018 йил 17 октябрдаги 02-07-3985/04-сон, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2018 йил 12 ноябрдаги 06/638-сон маълумотномалари). Бу касб-хунар таълими тизими ўқитувчилари фаолияти услубини, шунингдек, уларга хос ижтимоий-психологик хусусиятларни аниқлаш, шакллантириш, ривожлантириш ҳамда педагоглар фаолиятини баҳолаш имкониятларини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Илмий тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PgD) диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 189 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Психология фанида ўқитувчи фаолияти услубларининг ўрганилганлик даражаси”** деб номланган биринчи бобида ўзбекистонлик психологлар М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, В.М. Каримова, Т.М. Адизова, А.М. Жабборов, А.И. Расулов, И.Б. Шуванов, Ю.М. Асадов, Ш.А. Эшметов ва бошқаларнинг ўқитувчи шахси, устоз-шогирд муносабатларининг турли жиҳатларини ўрганилиши, Хориж психологиясида таълим-тарбия назариясининг асосий томонларини асослаб берувчи илмий назариялар, яъни таълимнинг ассоциатив назарияси, бихевиористик, гештальт психология, необихевиоризм, таълим-тарбиянинг когнитив назарияси, гуманистик психология назариялари вакиллари ва рус психологлари Л.С. Выготский, С.Л. Рубинштейн, А. А. Леонтьев, Н. Басова, Н. В. Кузьмина, Л. Д. Столяренко, А. А. Бодалев, В. Н. Кан-Калик, А.А. Андреев, Т.Н. Мальковская, Н. Ф. Маслова, Ю.Б.Гаманов, Ф.Н.Гоноболдин, А.Д.Деменцев, Ю.П.Азаров ва бошқаларнинг ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари ва ўқитувчи фаолияти, унинг иш услублари ҳақидаги қарашлари таҳлил қилиниб, услуб, фаолият услуби, бошқарув услуби ва мулоқот услуби тушунчалари борасида тадқиқотлар олиб борган психологларнинг муаммо хусусида фикрлари келтирилиб, масалага шахсий муносабат билдирилган ҳамда шулар асосида тегишли хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг **““Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида ўқитувчи фаолияти услубини ижтимоий-психологик жиҳатлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг методологик асослари, таниқли психолог олимларнинг илмий ёндашувлари ҳамда тадқиқотнинг психодиагностик мақсадлари учун қўлланилган методикаларнинг умумий тавсифи, мазмуни, модификация қилинганлик ҳолати, умумий йўриқномаси ҳамда методикалар мазмунининг таҳлили асосида хулосалар, касб-хунар коллежи ўқитувчисининг фаолияти ва бошқарув услублари, ўқитувчи шахс хусусиятларининг, ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро мулоқотининг психологик таҳлили экспериментал ўрганиш натижалари ёритилган.

А.М. Маркова ва А.Я. Никонова томонидан ишлаб чиқилган “Ўқитувчи

фаолияти услубини ўрганиш” методикаси орқали олинган натижалар жинслар ҳамда иш стажи нуқтаи назаридан психологик таҳлил қилинган (1-жадвал). Ўрганилган услублардан (ҳиссий-тайёргарликсиз, ҳиссий-режали, фикрий-тайёргарликсиз, фикрий-режали) барча танловлар бўйича (n=79) кўпроқ намоён булгани иккинчи яъни, ҳиссий-режали услуб эканлиги аниқланди. Бу услуб энг юқори 19,6 балл (62%) билан баҳоланган.

Ҳиссий-режали услуб: педагог билимининг юқори даражадалигини, мулоқотчанлик, талабчанлик, материални қизиқарли етказа олиш, ўқувчиларни фанга қизиқишини оширган ҳолда, уларни фаоллаштира олиш, таълим усул ва шакллари алмаштириш ва уларни оқилона қўллаш олишни англатади. Шу билан бирга, ҳиссий-режали услубдаги ўқитувчига дарсдаги вазиятга боғлиқлик, ўқувчиларнинг кайфияти ва дарсга тайёрилиги билан асосланувчи ўзига юқори баҳо бериш хусусияти ҳам хос.

1-жадвал

Ўқитувчи фаолияти услубининг ўз-ўзини ва эксперт баҳолари натижалари бўйича кўрсаткичлари (балл ҳисобида)

Фаолият услублари							
Ҳиссий-тайёргарликсиз услуб		Ҳиссий-режали услуб		Фикрий-тайёргарликсиз услуб		Фикрий-режали услуб	
Ўз баҳоси	Эксперт баҳоси	Ўз баҳоси	Эксперт баҳоси	Ўз баҳоси	Эксперт баҳоси	Ўз баҳоси	Эксперт баҳоси
13.4	16.9	19.9	17.9	12.3	15	12.7	14.3

Бу услубдаги ўқитувчи ўқувчига ўз фикрини тўлиқ баён этиш, нотўғри жавобларни тўғрилаш имконини бермайди, сабрсизлик билан иш олиб боради.


Ҳиссий-режали услуб бўйича экспертларнинг берган баҳоси ўқитувчининг ўз баҳосига нисбатан пастроқ, яъни 17,9 баллни ташкил қилган. Демак, ўқитувчилар ўзларида ушбу услубдаги хусусиятларни юқори даражада деб ҳисобласалар, экспертлар эса пастроқ деб баҳо берганлар.

Умумий танланишлар бўйича, энг паст кўрсаткичга эга бўлган услуб фикрий-тайёргарликсиз (12,3балл) ва фикрий-режали услублардир (12,7 балл). Экспертлар берган баҳода эса фикрий-тайёргарликсиз (15 балл) ва фикрий-режали (14,3 балл) услублар ўртача кўрсаткичлар билан баҳоланган. Фикрий-тайёргарликсиз услуб педагоглар билим даражасининг юқорилигини, мулоқотчан, талабчан, ўқувчилар билимига эътиборли, ўзига объектив баҳо бериш, босиқлик хусусиятлари, шунингдек, дарс усул ва шакллари алмаштириб қўллаш етарлича эмаслиги, дарсда тартиб-интизомни етарлича назорат қилмасликни англатади. Демак, педагоглар ўзларида юқоридаги хусусиятлар паст даражада деб ҳисоблаган бўлсалар, экспертлар педагогларда бундай хусусиятлар ўрта даражада бўлишини таъкидлаганлар. Фикрий-режали услубдаги ўқитувчига талабчанлик, ўқувчилар билимларига эътиборлилик, педагогик фаолият усул ва

воситаларини танлашда эски услубга ёпишиб олиш, шунингдек, ўрганилаётган фанга қизиқишни ҳар доим ҳам қўллаб-қувватламаслик ва юқори даражадаги режалилик хос бўлиб, жамоа бўлиб таҳлил қилинмайди. Демак, ўқитувчилар ўз фаолиятида фикрий-режали услубга хос бўлган хусусиятлар паст даражада деб ҳисобласалар, экспертлар эса бундай хусусиятлар педагогларда ўрта даражада мавжудлигини кўрсатадилар (1-жадвал).

Ўқитувчининг бошқарув услубини “Ўзини-ўзи бошқарув услубини баҳолаш” методикаси орқали ўзини-ўзи ва ўқувчиларнинг ўқитувчи бошқарув услубини баҳолаши орқали ўрганилиб, таҳлил қилинди (1-расм).

Унга кўра, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг ва ўқувчиларининг баҳолаш кўрсаткичлари авторитар услуб бўйича ўқитувчилар ўзини-ўзи баҳолаши ўрта (9,4), ўқувчилар ўқитувчиларни баҳолаши паст (7,17 балл) даражада эканлигини кўрсатди. Натижаларга асосланиб, ўқитувчилар ўзларини яхши бошқарувчилик хусусиятларини намоён қиладиган, ўқувчилар ҳаракатини бошқара оладиган, талабчан, жамоага буйруқ кучи ва мажбурлаш билан таъсир этишга, мақсадга эришишга интилувчан, ўқувчилар саволларига эътиборсиз, сардорлар таклифларига нисбатан бефарқ деб, ўқувчилар эса уларни, бошқарувчиликда суствик намоён қилади, бошқариш малакаси барқарор эмас, ўзига ишонувчан, бошлаган ишини охиригача етказадиган, қолюқ ва қобилиятсиз ўқувчиларни танқид қилишга мойил деб тавсифлаганлар.



1-расм. Ўқитувчилар бошқарув услуби кўрсаткичлари

Демократик услуб бўйича ўқитувчиларнинг (13,5 балл) ҳам ўқувчиларнинг (7,9 балл) ҳам кўрсаткичи ўрта.


Либерал услуб бўйича аниқланган кўрсаткичларда ўқитувчилар ўзларини ўртача – 8,3 балл кўрсатган бўлсалар, ўқувчиларнинг берган баҳоси анча паст бўлди – 6,4 балл. Ўртача кўрсаткич, бошқарув фаолиятида нисбатан суств, талабчан эмас, ишонувчан, вазифаларни бажаришни жамоанинг ўзига қўйиб беради, муствақил қарор қабул қилишда ўзига ишонмайди, тартиб - интизом бузилишига ювшоқлик билан қарайди ва кўндириш услубини қўллашга мойилликни билдиради. Паст кўрсаткич эса, ўқитувчининг

ўқувчиларни бошқариш хоҳишининг турғун эмаслиги, топшириқларни тақсимлаш ва уларнинг бажарилишини текширишда уқувсизлик, ноаниқлик ва ўзига ишонмаслик, шунингдек, масъулият ва талабчанлик сустиги билан тавсифланади.

Натижалардан коллеж ўқитувчилари бошқарувда демократик услуб кўрсаткичи юқори эканлигини кўрса бўлади. Бундай кўрсаткичга асосланиб, ўқитувчиларни жамоа қизиқишлари билан яшашга ҳаракат қиладиган, ўқувчилар ҳақида қайғуради ва жамоа фикри билан ҳисоблашади деб хулоса қилиш мумкин.

“Ўз-ўзини бошқарув услубини баҳолаш” методикаси натижалари жинслар ва иш стажи нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилинганида, эркак ўқитувчиларнинг бошқарув фаолиятида кўпроқ авторитар услуб етакчилик қилиши, иш стажи ошган сари демократик услуб кўрсаткичлари ўсиб бориши аниқланди. 6-10 йил иш тажрибасига эга бўлган эркак ўқитувчиларда ўзгача иш стажига эга бўлган ўқитувчиларга нисбатан либерал услуб хусусиятлари мавжудлиги аниқланди.

“Мулоқот таҳлилининг Фландерс тизими” асосида кузатиш схемаси орқали ўқитувчи мулоқот услубини хронометрик кузатиш ишлари олиб борилди. Олинган умумий натижалар касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари мулоқотида демократик мулоқот услуби ҳаракат категориялари 44 та танлов, авторитар мулоқот услуби ҳаракат категориялари 28 та ва либерал мулоқот услуби ҳаракат категориялари 8 та танловни ташкил қилди.



2-расм. Ўқитувчи-ўқувчи ўзаро таъсир тоифаларининг мулоқот услуби бўйича тақсимланиши

Р. Кэттелл тести ёрдамида ўқитувчи шахси хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижаларга кўра ўқитувчиларда мулоқотчанлик (А; 10,4 балл), қатъиятлилик, иродалилиқ (G; 8,9 балл), руҳий зарбаларга чидамлилиқ (Н; 7,5), ҳиссий барқарорлик, қаттиққўллик, (I; 6,6 балл), режа ва тартиб билан иш кўриш (Q₃; 7,8 балл), каби хусусиятлар юқори даражада намоён бўлди. Мазкур тест бўйича олинган натижаларда эркак ва аёл педагоглар шахс хусусиятларида бир қанча фарқлар ҳам аниқланди. Эркак педагогларда ҳиссий барқарорлик, туйғуларини назорат қила олиш (С, 6,9 балл), эҳтиёткорлик (L; 5,3 балл), вазминлик, ишбилармонлик (М; 5,6 балл), мустақиллик ва қатъиятлилик (Q₂; 5,1 балл), ўз ҳиссиётлари ва ҳаракатларини яхши ташкил қилиш (Q₃; 8,1 балл); аёл педагогларда интеллектуал ривожланиш мантиқий ва абстракт фикрлаш (В; 4,9 балл), устунликка

интилувчанлик, мустақиллик, ўзига ишонганлик, авторитетларни тан олмаслик (E; 5,8 балл) хусусиятлари юқори эканлиги аниқланди. Иш стажи бўйича 6-10 йил ишлаб қўйган аёллар ўз ҳиссиётларини назорат қилишлари мураккаб бўлиб, қизиқишлари ўзгарувчан, улар тез тушкунликка тушишади ҳамда асабий (C; 4,5 балл) бўлиб турадилар.

Ўқувчиларнинг ўқитувчи билан ўзаро муносабати Э.Ғ. Ғозиев ва А.Расуловнинг “Ўқитувчиларингиз билан қай даражада суҳбатлашиб турасиз?” саволномаси натижасида ўқувчилар авторитар услубдаги ўқитувчидан кўра кўпроқ демократик услубдаги ўқитувчини маъқул кўришлари, лекин ижтимоий масалар бўйича авторитар услубдаги ўқитувчилар билан кўпроқ суҳбатлашиши аниқланди. Олинган маълумотлар таҳлилидан, ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар “мажбурий”, “зарурий”, “расмий”, “расмий-салбий”, “расмий-ижобий”, “ишончли”, “дилдан ишониш” даражаларига ажратиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг **“Касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари фаолияти услубининг психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича эмпирик натижалар таҳлили”** деб номланган учинчи бобида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир-бири тўғрисидаги тасаввурлари, тадқиқот методикалари натижалари ўртасидаги ўзаро боғланишларининг корреляцион таҳлили ҳамда касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг факторли таҳлил натижасида аниқланган фаолият услублари ёритиб берилган.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир-бирлари тўғрисидаги тасаввурлари кластер педагогик технологияси асосида ўрганилди. Ўқувчилар томонидан демократик услубдаги касб-ҳунар коллежи ўқитувчисида эътиборли, тушунувчи, мулоқотчан, ҳазилқаш, маслаҳатгўй, ишончли, хушмуомала, тажрибали, қизиқтирувчи, ақлли, сабрли сингари ижобий, ҳамда бефарқ, масъулиятсиз, одам ажратади каби салбий фазилатлари танланганлиғни гувоҳи бўлди. Авторитар услубдаги ўқитувчиларда эса ўз ишининг устаси, жиддий, қаттиққўл, билимдон, талабчан, ҳақиқатгўй, бир сўзли, сабрли каби хусусиятлар танланган. Босқичдан босқичга ўтиш билан ўқувчиларнинг ўқитувчилари тўғрисидаги ижобий тасаввурлари ортиб боради.

Корреляцион боғланишлар касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг икки жинс вакиллари ва турли иш стажига эга бўлган гуруҳларида турлича намоён бўлди. Ҳиссий-тайёргарликсиз услубдаги ўқитувчиларга мавжуд қоидаларга амал қилиш, виждон билан ишлаш, умумий меъёрларга ва ҳар бир хатти-ҳаракатларга эътиборли бўлиш, шунингдек, мустақиллик, ўзгалар фикрига таянмасдан қарор қабул қилиш, ҳар доим ҳам устунликка интилмаслик хусусиятлари хос (M , $r=-0,254^*$; Q_2 , $r=0,251^*$; $p\leq 0,05$) бўлса, ҳиссий-режали услубдаги ўқитувчига ҳамкорликда ишлаш, ўқувчилар учун қайғуриш, улар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, дадиллик ва мулоҳазалилик хосдир (дем., $r=0,264^*$; I , $r=-0,245^*$; $p\leq 0,05$).

Авторитар услубда ишлайдиган касб-ҳунар коллежи ўқитувчисида таъсирчанлик ва юқори даражада безовталиқ, жаҳлдорлик хусусиятлари,

либерал услуб ўқитувчиларида энгил фикрлаш, юқоридан туриб мулоқот қилиш, ўзини яхши назорат қила олмаслик, бесаранжомлик, вақт ва иш фаолиятини тўғри ташкил қила олмаслик, демократик услуб педагогларининг ўз имкониятлари ва ўзини-ўзи тўғри баҳолай олмаслик, барча одамларни яхши деб қараш, очик кўнгиллилик, шу билан бирга, ўз муваффақиятига ишонадиган, эътиборлилик, хусусиятлари аниқланди (I, $r=0,269^*$; Q₄ $r=0,249^*$; $p\leq 0,05$).

Ўзини юқори баҳолайдиган (Md-фактори) касб-хунар коллежи ўқитувчиларида мулоқотчанлик, устунликка интилиш, ижтимоий шартларни тан олмасликка мойиллик, кучлилик, қатъиятлилик, шубҳаланувчанлик, шунингдек, ишбилармонлик, расмиятчилик, ўзига ишонганлик, кўп ҳолларда етарлича ўйлаб ўтирмай ишда таваккал қилиш каби хусусиятлар кузатилди (A, $r=0,259^*$; E, $r=-0,231^*$; H, $r=0,258$; M, $r=0,245^*$; L, $r=0,255^*$; $p\leq 0,05$; N, $r=0,377^{**}$; O, $r=-0,384^{**}$; Q₃, $r=-0,303^{**}$; $p\leq 0,01$);

Мустақил, устунликка мойил (E-фактори) касб-хунар коллежи ўқитувчиси қатъиятли, иродали, тартибли, ўзини идора қила оладиган, ўзига ишонувчан, баъзида шафқатсизликни намоён қилади (G, $r=0,351^{**}$; I, $r=-0,307^{**}$; $p\leq 0,01$); ўзига ишонмайдиган (O-фактори) касб-хунар коллежи ўқитувчиси гуруҳ фикрига тобе, атрофдагиларнинг қўллашига муҳтож бўлади (Q₂, $r=-0,308^{**}$; $p\leq 0,01$).

Ҳиссий-тайёргарликсиз услубдаги 0-5 йилгача иш стажига эга бўлган касб-хунар коллежи ўқитувчилари анъанавий қийинчиликларга бардошли, янги фикрларга шубҳа билан қарайдиган (Q₁, $r=-0,411^*$), 6-10 йиллик иш стажига эга ўқитувчиларда эса, мотивация сустлиги, дангасалик, бўшашганлик (Q₄, $r=-0,575^*$), 11 йилдан юқори иш стажига эга ўқитувчиларда юқори даражадаги мулоқотчанлик кузатилади (A, $r=0,435^*$); ҳиссий - режали услубдаги 0-5 йилгача (дем., $r=0,441$) ва 6-11 йилгача иш стажига эга ўқитувчилар (дем., $r=0,567^*$ Md, - $r=0,686^{**}$), ўқувчилар фаолиятини йўналтира оладилар, қобилиятли ўқувчиларга мустақиллик бериб, ташаббус ва янги иш усуларини ривожлантиради, маънавий мадад бериш ва ишонтириш, мунозарада адолатли бўлиш, танқид ва ошкораликни ривожлантириш, низоларни бартараф этиш ва жамоада ижобий иқлимни шакллантира олиш уларга хос; фикрий-тайёргарликсиз услубдаги 11-15 йил ва ундан ортиқ иш стажига эга ўқитувчилар руҳий зарбаларга чидамли, таҳдидларга эътибор қилмайди, қатъийятли, таваккал қилишга мойиллик шунингдек, майда деталларга беъэтибор, хавф-хатар дараги бўлган белгиларга беписанд қараш, кўп вақтини суҳбатга сарф қилиш хусусиятларига (H, $r=0,322^*$) эга бўлиши кузатилади; демократик услубдаги 0-5 йилгача иш стажига эга касб-хунар коллежи ўқитувчилари кўпинча гуруҳнинг фикрига қараб иш кўрадилар, атрофдагиларнинг маслаҳатига суянади ва улар хайрихоҳлигига муҳтож бўладилар (Q₂, $r=-0,416^*$).

Мустақил, 6-10 йил иш стажига эга ўқитувчилар атрофдагилардан ҳам мустақиллик талаб қиладилар ҳамда турли хил қизиқишларга эга бўлиб, илмий ва сиёсий муаммолар юзасидан ахборот олишга интилувчан, ўз

ҳаракатларини яхши ташкил қилади (Q_1 , $r=0,677^*$, Q_3 , $r=0,727^{**}$, Q_4 , $r=0,673^*$). 11 йил ва ундан ортиқ иш стажига эга ўқитувчилар мустақил, қатъиятли, масъулиятли, тартибли ишлайдилар (G , $0,489^{**}$, Q_2 , $r=-0,395^*$);

Методикалар натижалари орасидаги боғланишларининг касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари жинси бўйича ўзаро интеркорреляцион боғлиқликлари ҳам аниқланди. Натижалар қуйидагича таҳлил қилинди:

